

Аутсорсинг шартлари асосида хизматларни кўрсатиш бўйича

ШАРТНОМА № 14922

2022 йил «15» Апрель

Бувайда тумани

Бувайда туман тиббиёт бирлашмаси номидан Низом асосида фаолият юритувчи

Б.Мамажонов (кейинги ўринларда Буюртмачи деб аталади)

бир томондан ва "BUVAYDA GRANT TA'MINOT" Х/Кномидан Устав асосида

фаолият юритувчи рахбар А.Соибназаров (кейинги ўринларда

Аутсорсер деб аталади), иккинчи томондан кейинчалик Томонлар деб аталади, ушбу шартномани қуйидагилар тўғриси туздилар.

#### I. Шартнома предмети

1.1. Аутсорсер Буюртмачининг буюртмаси бўйича мазкур Шартноманинг 1.2-бандида кўрсатиб ўтилган хизматларни кўрсатиш, Буюртмачи эса ушбу хизматлар учун пул тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. Аутсорсер мазкур шартноманинг 1.3-бандида кўрсатилган муддатдан бошлаб, у тугагунига қадар ҳар куни Буюртмачини **иссиқ (тайёр) овқат билан таъминлаш**

ҳамда Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари билан белгиланган санитария-гигиена нормалари қоидаларига риоя этган ҳолда, Буюртмачи билан келишилган буюртмаларни бажариш жадвалига мувофиқ таъминлаш мажбуриятини, кейинги ўринларда Хизматлар деб аталади, ўз зиммасига олади.

1.3. Хизмат кўрсатиш муддати:

2022 йил «1» январдан.

2022 йил «31» мартгача.

1.4. Томонлар бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси ва Аутсорсер томонидан амалда кўрсатилган Хизматлар учун белгиланган тартибда расмийлаштирилган ҳисоб-фактура имзоланиб Буюртмачи Аутсорсернинг мазкур Шартномада кўрсатилган банк ҳисоб-рақамига пул маблағлари ўтказгандан сўнг Хизматлар кўрсатилган деб ҳисобланади.

#### II. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

2.1. Аутсорсер қуйидаги ҳуқуқларга эга:

2.1.1. Ижарага олинган мол-мулкдан фойдаланиш;

2.1.2. Ижарага олинган бино ва иншоотларнинг ички ва ташқи қисмида техник жиҳатдан жиҳозлаш ва таъмирлаш ишларини амалга ошириш;

2.1.3. Хизматлар таннархининг ўзгариши муносабати билан шартномага ўзгартириш киритиш таклифи билан чиқиш;

2.1.4. Кўрсатилган хизматлар учун ўз вақтида тўловлар амалга оширилишини талаб қилиш;

2.1.5. Кўрсатилган хизматлар натижасида фойда олиш;

2.1.6. Буюртмачидан шартнома шартларининг бажарилишини талаб қилиш;

2.1.7. Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқлар.

2.2. Аутсорсер қуйидагиларга мажбур:

2.2.1. Ижарага олинган бино ва иншоотлар, жиҳозлардан мақсадли ҳамда оқилона фойдаланиши, сақлаши, носоз ҳолга келганда уларни ўз ҳисобидан таъмирлаши, шунингдек, коммунал харажатларини қоплаши;

2.2.2. Аутсорсинг хизматини кўрсатишда техника, ёнғин, меҳнат муҳофазаси ҳамда санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига қатъий риоя этиши;

2.2.3. Товар (ишлар, хизматлар)нинг сифатли ишлаб чиқарилишини ва буюртмачига етказилишини таъминлаши;

2.2.4. Махфийлик тартибига қатъий риоя қилиши;

2.2.5. Шартномани бекор қилиш ҳақида буюртмачини икки ой олдин ёзма равишда огоҳлантириш, ушбу муддат тугагунига қадар эса буюртмачининг тегишли хизматларини узлуксиз ташкил этишни таъминлаши;

2.2.6. Хизматларни сифатли, мазкур Шартноманинг 1.3-бандида кўрсатилган муддатда ва тўлиқ ҳажмда кўрсатиши;

2.2.7. Хизматлар кўрсатиш жараёнида Аутсорсер мазкур шартнома шартларига амал қилмасдан, хизматлар сифатини ёмонлашувига олиб келган барча камчиликларни Буюртмачининг талаби бўйича бир кун давомида бепул тўғрилаши;

2.2.8. Хизматларнинг сифатсизлиги, хизматларни бажариш учун вақтинча фойдаланишга бериладиган ишлаб чиқари (хизмат кўрсатиш) хоналари ҳолати, шунингдек, тегишли инвентарларнинг санитария қоидаларига жавоб бермасли

аниқланганда, Аутсорсер зудлик билан Буюртмачининг аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича қонун талабини бажариши;

2.2.9. Малакали, тажрибали, қўйилган вазифани (хизматни, ишни) амалга ошириш ҳуқуқини берувчи тегишли ҳужжатлар мавжуд бўлган, шунингдек, белгиланган тартибда ва муддатда тиббий текширувдан (кўрикдан) ўтган ходимларга (тали этилган ҳолларда) хизматларни бажариш жараёнига руҳсат этиши;

2.2.10. Ходимлар зиммасига Буюртмачининг ҳудудида одоб-ахлоқ қоидаларига, шунингдек, ички тартибга риоя қили мажбуриятини юклаши;

2.2.11. Хизмат кўрсатиш бўйича ишларни шахсан бажариши, мазкур Шартнома шартларини бажаришни учинчи шахс топширмаслиги;

2.2.12. Мазкур шартнома шартларини бажариш доирасида Буюртмачи томонидан вақтинча фойдаланишга топширилган ускуналар, жиҳозлар, идишлар, асбоблар, мебеллар, инвентарлар ва бошқалар моддий воситаларни соз ҳолда сақлаш таъмирлаши, шунингдек, биноларни таъмирлаши;

2.2.13. Томонлар имзолайдиган тегишли қабул қилиш-топшириш далолатномасини расмийлаштирган ҳолда Буюртмачидан биноларни (хоналарни), ускуналарни, жиҳозларни, асбобларни, мебелларни, инвентарлар ва бошқалар моддий воситаларни қабул қилиб олиши;

2.2.14. Мазкур шартномани бекор қилиш ҳақида Буюртмачини икки ой олдин ёзма равишда огоҳлантириши, ушбу муддатга қадар эса Буюртмачига хизматларни узлуксиз кўрсатилишини таъминлаши;

2.2.15. Мазкур шартномага асосан Хизматларни кўрсатиш ишларига жалб этилган ходимларни ўқитишни (малакасини оширишни) амалга ошириши (талаб этилган ҳолларда);

2.2.16. Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар.

2.3. Буюртмачи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

2.3.1. Товарлар (ишлар, хизматлар) сифатли ишлаб чиқарилиши (бажарилиши, кўрсатилиши)ни талаб қилиш;

2.3.2. Аутсорсернинг фаолиятига аралашмаган ҳолда, шартнома шартларининг бажарилишини назорат қилиш;

2.3.3. Шартномани бекор қилиш тўғрисида 10 кун олдин Аутсорсерни ёзма равишда огоҳлантириш, бунда кўрсатилган хизматларнинг қийматини белгиланган тартибда тўлаш;

2.3.4. Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқлар.

2.4. Буюртмачи қуйидагиларга мажбур:

2.4.1. Бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси ва расмийлаштирилган ҳисоб-фактура асосида кўрсатилган хизматлар учун амалдаги нархлар бўйича бир ойда камида бир марта Хизматлар ҳақини тўлаши;

2.4.2. Аутсорсерга мазкур Шартнома шартларини бажариш доирасида биноларни (хоналарни), ускуналарни, жиҳозларни, асбобларни, мебелларни, инвентарлар ва бошқа моддий воситаларни вақтинча фойдаланишга бериши;

2.4.3. Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар.

### III. Хизматлар нархи ва ўзаро ҳисоб-китоблар тартиби

3.1. Мазкур шартноманинг иловасига мувофиқ хизматлар нархи 32 300 000 (Ўттиз икки миллион уч юз минг) сўмни ташкил этади.

3.2. Аутсорсер томонидан кўрсатилган хизматлар учун ўзаро ҳисоб-китоблар бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси ва расмийлаштирилган ҳисоб-фактура асосида кўрсатилган хизматларнинг амалдаги қиймати бўйича бир ойда камида бир марта амалга оширилади.

3.3. Кўрсатиладиган хизматларнинг амалдаги сони ҳақидаги маълумотлар ва хизматларнинг амалдаги нархи асосида Буюртмачи кундалик буюртмага мувофиқ Аутсорсер билан биргаликда ҳар ўн кунда, тўланиши лозим бўлган суммаси кўрсатилган, Аутсорсер ва Буюртмачи томонидан имзоланадиган бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси тузилади ва ҳисоб-фактура расмийлаштиради.

3.4. Буюртмачи томонидан амалда кўрсатилган хизматлар нархи белгиланган тартибда расмийлаштирилган бажарилган ишлар далолатномаси ва ҳисоб-фактура олинган вақтдан бошлаб, 10 банк куни давомида Шартномада белгиланган суммадан ортиқ бўлмаган миқдорда тўланади.

3.5. Мазкур Шартноманинг иловасида кўрсатилган, шартноманинг прогноз суммасини ҳисоблаш учун хизматларнинг нархлари томонлардан бирининг ташаббуси билан қайта кўриб чиқилади.

3.6. Буюртмачи шартнома имзолангандан сўнг кўрсатилиши лозим бўлган хизматлар умумий қийматининг 30 % 1 олинган Аутсорсернинг ҳисоб-рақамига пул ўтказиш йўли билан тўлайди. Кўрсатилган хизматлар тўловининг қолган қисми 70 % қисми эса Буюртмачи томонидан хизматлар қабул қилиб олингандан сўнг 30 (ўттиз) календарь кун ичида тўли тўлаб берилади.

### IV. Томонларнинг мажбуриятлари

4.1. Аутсорсер шартнома мажбуриятларини ўз вақтида бажармаган ҳолларда, Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоиз миқдориди пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси кўрсатилмаган хизматлар ойлик нархининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

4.2. Пеня (жарима) тўлаш Томонларнинг зиммасидаги мажбуриятларини бажаришдан ёки бузилишларни бартараф қилишдан озод этмайди.

4.3. Мазкур Шартнома шартларининг бажарилмаслиги ёки тегишли даражада бажарилмаслиги учун Томонлар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси талабларида, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқ базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бошқа норматив-ҳуқуқ ҳужжатларида назарда тутилган жавобгар бўладилар.

4.4. Буюртмачига ҳар чоракда бир мартаба кўрсатилаётган хизматларнинг сифати, ижарага берилган бино ва иншоотларнинг ҳолатини мониторинг ўтказишга (аутсорсернинг молиявий фаолиятига аралашмаган ҳолда) шароитлар яратиш.

4.5. Томонларнинг Мазкур Шартномада назарда тутилмаган жавобгарлик чоралари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалда бўлган фуқаролик қонунчилиги нормаларига мувофиқ қўлланилади.

#### V. Мунозарали вазиятларни ҳал этиш тартиби

5.1. Мазкур Шартномани бажаришда юзага келиши мумкин бўлган низолар ва келишмовчиликлар имкон қадар Томонлар ўртасида музокара ўтказиш йўли билан ҳал этилади.

5.2. Низолар ва келишмовчиликларни Томонлар ўртасида музокара ўтказиш йўли билан ҳал этиб бўлмайдиган ҳолатларда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилган келишмовчиликларни суддан олдин бартараф қилиш тартиби таомили амалга оширилгандан сўнг улар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда судга қўриқчилик учун берилди.

#### VI. Форс-мажор ҳолатлар

6.1. Томонлар мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаганлиги учун, агар бундай ҳолатлар енгиб бўлмас куч, яъни табиий офатлар, табиий ва техноген тусдаги фавқулодда ҳолатлар ва алоҳида давр оқибати ҳисобланса ва давлатнинг тегишли органлари томонидан тасдиқланса, жавобгарликдан озод қилинади. Бунда мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати мутаносиб равишда ушбу ҳодисалар рўй берган муддатга сурилади.

#### VII. Яқунловчи қоидалар

7.1. Ушбу Шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар фақат улар ёзма шаклда расмийлаштирилиб, Томонларнинг ваколатли вакиллари томонидан имзолангандан сўнг ҳақиқий ҳисобланади. Мазкур Шартноманинг барча иловалари унинг ажралмас қисмини ташкил этади.

7.2. Томонларнинг ҳеч бири мазкур Шартнома бўйича ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини бошқа Томоннинг ёзма шаклдаги розилигисиз бирор бир учинчи томонга бериб юбориши мумкин эмас.

7.3. Ушбу шартнома икки нусхада тузилган. Иккала нусха айнан бир хил бўлиб, бир хил юридик кучга эга. Томонларнинг ҳар бирида мазкур Шартноманинг бир нусхаси бўлади.

#### VIII. Шартноманинг амал қилиш муддати

8.1. Ушбу Шартнома имзоланган пайтдан кучга киради ва бир календарь йили давомида ёки муддатидан олдин бекор қилингунига қадар амал қилади.

#### IX. Томонларнинг манзили ва банк реквизитлари

«Аутсорсер»

"BUVAYDA GRANT TA'MINOT" X/K

Манзили: Янгиқургон кишлоғи

х/р: 20208000405443359001

ИНН: 308903444

МФО: 01151

Универсал банк Бувайда филиали

Раҳбар: Раҳимов

«Буюртмачи»

-----Бувайда туман тиббиёт бирлашмаси

Бувайда тумани Янгиқургон қ-ғи

х/р: 23402000300100001010

ИНН: 201122919 МФО: 00014

Марказий банк Тошкент ХККМ


Молия Вазирлиги Ҳазначилиги

Шхв: 401322860302127073101054001

Инн: 200162370

Раҳбар:

Б.Мамажонов



Аутсорсинг шартлари асосида хизматларни кўрсатиш бўйича шартномага  
 ИЛОВА  
**ШАРТНОМАНИНГ ПРОГНОЗ СУММАСИ**


Т/р	Ойлар	Ойдаги кунлар сони	Ўлчов бирлиги	Хизмат бирлиги учун нарх (сўм)	Хизмат бирликлари сони	Жами сумма ҚҚС сиз (сўм)	ҚҚС —%	Жами сумма ҚҚС билан
1.	Январь	31						
2.	Февраль	28/29						
3.	Март	31	Дона	19000	1700	32300000		
4.	Апрель	30						
5.	Май	31						
6.	Июнь	30						
7.	Июль	31						
8.	Август	31						
9.	Сентябрь	30						
10.	Октябрь	31						
11.	Ноябрь	30						
12.	Декабрь	31						
	<b>Шартноманинг жами суммаси</b>	<b>365/366</b>				<b>32300000</b>		

(Ўттиз икки миллион уч юз минг сўм)



*[Handwritten signature]*

*A. Соёлмазаров*



YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA  
MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA  
XULOSA

**1.Loyiha turi va soni:** Shartnoma

**2.Loyihaning nomi:** Outsorsing shartlari asosida xizmatlarni ko'rsatish bo'yicha

Buvayda tuman Tibbiyot birlashmasi bilan "BUVAYDA GRANT TA'MINOT" X/K o'rtasida Buvayda tuman tibbiyot birlashmasida statsionar davolanayotgan davolanayotgan bemorlarni **issiq (tayyor) ovqat bilan ta'minlash** to'g'risida. Mazkur shartnomaning ilovasiga muvofiq xizmatlar narxi 32 300 000 (O'ttiz ikki million uch yuz ming) so'mni tashkil etadi.

**3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot:**  
Loyiha tuman Tibbiyot birlashmasi tomonidan 13.04.2022 yil kuni huquqiy ekspertizadan o'tkazish uchun yuborilgan.

Shartnoma loyihasi O'zbekiston Respublikasi Sog'liqni saqlash vazirligi tuzilmasidagi tashkilotlarda outsorsing xizmatlari ko'rsatish tartibi to'g'risidagi nizom, "Xo'jalik yurituvchi sub'ektlarning shartnomaviy munosabatalari to'g'risida"gi, 684-sonli O'zbekiston Respublikasining "Davlat xaridlari to'g'risida" gi qonuniga rioya qilinib ishlab chiqilgan va uning qabul qilish maqsadga muvofiq.

2022 yil 13 aprel

Yuridik xizmat ko'rsatish  
bosh yuriskonsulti



Sh.V.Abduraximov

**Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 63712 на приобретение Аутсорсинг  
хизматлари бюджетдан ташкари**

Способ проведения электронный

Дата 12.04.2022

Время рассмотрения 12.04.2022 09:27

Конкурсная комиссия Тиббиёт Бирлашмаси, (Далее – Комиссия) в составе:

<b>Председатель комиссии</b>	MAMAJONOV BAXTIYORJON ABDUJABBOROVICH	Бошлиқ	Тиббиёт бирлашмаси
<b>Секретарь комиссии</b>	MARAXIMOV RASULJON MAXAMADJONOVICH	Бош хисобчи	Тиббиёт бирлашма
<b>Член комиссии</b>	SHERMATOV ANVARJON ADXAMJONOVICH	Шартномалар бўйича хисобчи	Тиббиёт бирлашмаси
<b>Член комиссии</b>	MAMAJONOV TURSINALI MAXMUDOVICH	Иқтисодий ишлар бўйича ўринбосар	Тиббиёт бирлашмаси
<b>Член комиссии</b>	IBRAGIMOV SADIQJON MAMARASULOVIH	Даволаш ишлари бўйича ўринбосар	Комиссия аъзоси
<b>Член комиссии</b>	MAXSUDOV BAXTIYOR NOSIROVICH	Дорихона мудири	Тиббиёт бирлашмаси

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 12.04.2022 года № лота 63712.

Метод оценки предложений – Метод наименьшей цены

Мин. балл: 15

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Услуги по организации горячего питания
Подробное описание	Аутсорсер талабгорларига нисбатан куйидаги талаблар кўйилади: Март ойида 1700 беморга уч махал 1-2 овқатларни таёрлаб таъминлаб бериш шарт тадбиркорлик субъекти бўлиши; йиллик айланма маблағларга эга бўлиши; молиявий аҳволи барқарорлиги, солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан қарздорлиги мавжуд эмаслиги; ходимлари ошхона соҳасида камида 3 йил стажга эга бўлиши тиббий кўриқдан ўтганлиги тўғрисида маълумот (сан книжка) Covid 19 сертификати ходимлари ошпазликка ўқиганлиги ҳақида дипломга эга бўлиши қонун ҳужжатларига мувофиқ фаолият тури лицензия ёки рухсатнома талаб этадиган фаолият турлари бўйича тегишли лицензияга ёки рухсатномага эга бўлиши.
Количество товара	1 700.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	20 000.00
Стартовая сумма	34 000 000.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Ходимлар камида 3 йил ошхона соҳасида иш стажига эга булиши керак

Тип: Текстовое значение

Описание: Ходимлар камида 3 йил ошхона соҳасида иш стажига эга булиши керак

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
XK BUYAYDA GRAND TA MINOT	20	19000	20	Экспертная		
DAVR IJOBAT SERVIS MЧЖ	20	19000	16	Экспертная		

Критерий №2 Ходимлар COVID 19 инфекциясига тулик эмланган булиши лозим

Тип: Текстовое значение

Описание: Ходимлар COVID 19 инфекциясига тулик эмланган булиши лозим

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
XK BUYAYDA GRAND TA MINOT	20	19000	20	Экспертная		
DAVR IJOBAT SERVIS MЧЖ	20	19000	16	Экспертная		

Критерий №3 тадбиркорлик субъекти бўлиши; йиллик айланма маблағларга эга бўлиши; молиявий аҳволи барқарорлиги, солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан қарздорлиги мавжуд эмаслиги

Тип: Текстовое значение

Описание: тадбиркорлик субъекти бўлиши; йиллик айланма маблағларга эга бўлиши; молиявий аҳволи барқарорлиги, солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан қарздорлиги мавжуд эмаслиги

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
XK BUYAYDA GRAND TA MINOT	20	19000	20	Экспертная		
DAVR IJOBAT SERVIS MЧЖ	20	19000	16	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
DAVR IJOBAT SERVIS MЧЖ	34 000 000.00	34 000 000.00	11.04.2022 05:03:42	95.00
XK BUYAYDA GRAND TA MINOT	34 000 000.00	32 300 000.00	11.04.2022 05:01:11	100.00

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по	Общий балл по	Итоговый

	технической части	финансовой части	балл
DAVR IJOBAT SERVIS MЧЖ	Прошел	95	95
XK BUYAYDA GRAND TA'MINOT	Прошел	100	100

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 63712 от 12.04.2022 года на приобретение Аутсорсинг хизматлари бюджетдан ташкари определила победителем:

XK BUYAYDA GRAND TA' MINOT  
308903444

и резервный исполнитель: DAVR IJOBAT SERVIS MЧЖ (303011205)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Член комиссии	IBRAGIMOV SADIQJON MAMARASULOVICH	Согласен	
Член комиссии	MAXSUDOV BAXTIYOR NOSIROVICH	Согласен	
Член комиссии	SHERMATOV ANVARJON ADXAMJONOVICH	Согласен	
Председатель комиссии	MAMAJONOV BAXTIYORJON ABDUJABBOROVICH	Согласен	
Член комиссии	MAMAJONOV TURSINALI MAXMUDOVICH	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП

308903444